



XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

2022 - yil 12 - mart

VI-59-50-7-0-K/22

Samarqand viloyat hokimligi

**Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 25
декабрдаги “Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган
ерлар учун шаҳар ва туманлар кесимида иқтисодий ижтимоий
ривожланишига қараб ер солиги ставкаларини белгилаш тўғрисида”ги
VI-52-111-7-0-K/21-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Вилоятда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солик юкини камайтириш, солик йиғувчанлигини ва маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 429 ва 437-моддалари ҳамда вилоят Давлат солик бошқармаси (2022 йил 16 февралдаги 19/10-10610-сон) ва Молия бош бошқармасининг (2022 йил 17 февралдаги 01/02-38/173-сон) хулосаларига асосланиб, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг эллик тўққизинчи сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 25 декабрдаги “Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун шаҳар ва туманлар кесимида иқтисодий ижтимоий ривожланишига қараб ер солиги ставкаларини белгилаш тўғрисида”ги VI-52-111-7-0-K/21-сон қарорининг 1-илова (Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун 2022 йилда юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган ер солиги ставкалари миқдори) ва 2-илова (Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун 2022 йилда жисмоний шахсларга нисбатан қўлланиладиган ер солиги ставкалар миқдорлари) лари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ янги таҳрирда баён этилсин.

2. Халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон фармонига асосан, мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ тасдиқланган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлардан келиб чиқсан ҳолда, базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида қайта белгилаш тавсия этилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” (А.Анваров) ушбу қарорни “Зарафшон” ва “Самаркандскийвестник” газеталарида расман эълон қилиниши ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари (Ж.Ураков) зиммасига юклансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Э.Турдимов

Xalq deputatlari Samarqand viloyat
Kengashining
2022 yil 12 martdag'i
VI-59-50-7-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

**"Халқ депутатлари Самарқанд вилоят
Кенгашининг 2021 йил 25 декабрдаги
VI-52-111-7-0-K/21-сон қарорига**

1-илова

**Самарқанд вилоятида 2022 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган
ерлар учун юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича базавий
солиқ ставкасига қўлланиладиган камайтирувчи ва оширувчи
коэффициентлар**

T/P	Худудлар номи	Камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар
1.	Самарқанд шаҳар	1,22
2.	Каттақурғон шаҳар	1,10
3.	Оқдарё тумани	0,73
4.	Булунғур тумани	0,73
5.	Жомбой тумани	0,73
6.	Иштихон тумани	0,61
7.	Каттақўргон тумани	0,61
8.	Қўшработ тумани	0,61
9.	Нарпай тумани	0,73
10.	Пайариқ тумани	0,73
11.	Пастдарғом тумани	0,73
12.	Пахтаки тумани	0,61
13.	Самарқанд тумани	0,73
14.	Нуробод тумани	0,61
15.	Тайлоқ тумани	0,73
16.	Ургут тумани	0,73

* Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан Самарқанд вилоятида юридик шахслар
учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича 1 гектар учун базавий солиқ
ставкаси 35,0 млн.сўм белгиланган.".

Xalq deputatlari Samarqand viloyat
Kengashining
2022 yil 12 martdag'i
VI-59-50-7-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

**"Халқ депутатлари Самарқанд вилоят
Кенгашининг 2021 йил 25 декабрдаги
VI-52-111-7-0-K/21-сон қарорига**

2-илова

**Самарқанд вилоятида 2022 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган
ерлар учун жисмоний шахслардан (дехқон хўжалигини юритиш учун
берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан ташқари)
олинадиган ер солиғи бўйича базавий солиқ ставкасига қўлланиладиган
камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар**

T/P	Худудлар номи	Камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар
1.	Самарқанд шаҳар	1,20
2.	Каттақурғон шаҳар	1,05
3.	Оқдарё тумани	0,60
4.	Булунғур тумани	0,60
5.	Жомбой тумани	0,72
6.	Иштихон тумани	0,60
7.	Каттақўргон тумани	0,60
8.	Қўшработ тумани	0,60
9.	Нарпай тумани	0,60
10.	Пайариқ тумани	0,60
11.	Пастдарғом тумани	0,60
12.	Пахтаки тумани	0,60
13.	Самарқанд тумани	0,72
14.	Нуробод тумани	0,60
15.	Тайлоқ тумани	0,72
16.	Ургут тумани	0,60

* Солиқ кодексининг 437-моддасига асосан Самарқанд вилоятида жисмоний шахслар учун (бундан дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари мустасно) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича 1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси 320 сўм белгиланган".